

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.01.2020.PED.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВА НАФИСА САИДНАЗАРОВНА

**АКСИОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА
БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of the abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Юлдашева Нафиса Саидназаровна

Аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш..... 3

Юлдашева Нафиса Саидназаровна

Совершенствование педагогической подготовки будущих учителей на основе аксиологического подхода..... 2
4

Yuldasheva Nafisa Saidnazarovna

Improving the pedagogical training of future teachers based on the axiological approach..... 4
5

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 4
List of published works..... 7

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.01.2020.PED.26.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ЮЛДАШЕВА НАФИСА САИДНАЗАРОВНА

**АКСИОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА
БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Ped3069 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ҳамда “ZiyouNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳақимова Мухаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Джураев Дустмурод Уралович
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27 уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2022 йил “___” _____ да _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э.Ҳайдаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, п.ф.н. доцент

Н.А.Муслимов

Илмий даражалар берувчи Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон олий таълим муассасаларида аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг креатив технологиялари таълим жараёнига тадбиқ қилинмоқда. ЮНЕСКОнинг таълим барча учун (Education For All (EFA) ¹ глобал ҳаракат, минг йиллик ривожланиш мақсадлари (Millenium Development Goals (MDGs) ² доирасида маънавий ахлоқий ривожланган малакали кадрларни тарихий, илмий-педагогик кадриятларидан фойдаланиш асосида жамият ҳаётида маънавий юксалишини жадаллаштириш бўйича амалий ишлар тизимли олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида таълимни ахборотлаштириш шароитида тарихий илмий-педагогик кадриятлардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш, бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш, фан маданият, ишлаб чиқариш соҳаларида ривожланиш тарихий-илмий асарларни педагогик талқин этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бўлажак ўқитувчиларнинг тараққиёт тенденцияларига мувофиқ касбий фаолиятга тайёргарлик мезонларини белгилаш, аксиологик ёндашув асосида уларнинг педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича илмий ишларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда олий таълим сифатини ошириш, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини аксиологик ёндашув асосида такомиллаштириш, тарихий илмий-педагогик кадриятлар генезиси, тараққиёт тамойилларига оид дидактик таъминотни ишлаб чиқишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилмоқда. “Педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш” устивор вазифалар этиб белгиланди ³. Бу педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

¹ The EFA movement “United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization Retrieved” sep. 2010.

² United Nations Millennium Development goals website, retrieved 21 september 2013.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш, таълим жараёнига аксиологик ёндашувни татбиқ этишнинг концептуал асослари А.Абдуқодиров, Б.Абдуллаева, У.Бегимқулов, Б.Зиёмуҳаммедов, Р.Г. Исянов, Н.А. Муслимов, Ў.Қ. Толиповлар, Г.Альджанова, З.Исмаилова, Ш.Нуруллаева, Д.Рўзиева, М.Қурононов, Н.Эгамбердиева, М.Уразова, Ҳ.Ҳамзаевлар томонидан тадқиқ этилган.

МДҲ олимларидан олий таълим муассасалари талабаларининг педагогик тайёргарлигини ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари М.С.Артюхина, Л.Г.Ахметов, Н.В.Атанасян, В.П.Беспалько, А.Бородачев, О.Н.Вершинская, С.В.Зенкина, И.В.Робертларнинг ишларида ўз аксини топган.

Хорижлик олимлардан Stoof Angela, V. Blum, Bryan R.Cole, Drapeau Patti, Jacqueline S.Golberg, Merrienboer Jeroen, L.M.Spencer тадқиқотларида бўлажак ўқитувчиларнинг тайёргарлигини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган ПЗ-20170923121 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим муассасаларида аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёрлигини такомиллаштириш жараёнининг педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини дивидент ва конвергент тафаккур шакллари уйғунлаштириш асосида такомиллаштириш;

талабаларнинг аксиологик ёндашув асосида педагогик тайёрлигини ривожлантиришнинг моделини ташкиллаштириш;

талабаларнинг педагогик тайёрлигини аксиологик ёндашув асосида такомиллаштириш механизмларини ривожлантириш.

Тадқиқот объекти сифатида аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёрлигини такомиллаштириш жараёни бўлиб, Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика

университети, Қўқон давлат педагогика институтларидан 458 нафар талаба қатнашди.

Тадқиқотнинг предметини аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёрлигини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кўзланган мақсадларга эришиш ва қўйилган вазифалар ечимини топиш учун назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, анология, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштириш), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш) усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёрлиги уларнинг шахсий ва касбий муҳим сифатларини шакллантириш босқичларини дидактик интеграциялаш ҳамда ташкилий-функционал имкониятларини дивергент ва конвергент тафаккур шаклларига босқичма-босқич адаптив уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг педагогик тайёрлик модели педагогик фаолиятнинг тарихий – илмий қадриятлар ҳамда фронтал, индивидуал педагогик топшириқлар интеграциясини барқарор сифат кўрсаткичларига пропорционалигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

талабаларнинг ҳамкорлик фаолияти тарихий, илмий-педагогик қадриятлар ўқув материалларини мантикий ва диалектик фикр меъёрларига мос ўзлаштиришга йўналтирилган фаолият усулини векторли мақсадга вариатив мувофиқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг педагогик тайёрлиги мониторинги тарихий, илмий-педагогик қадриятларни плюралистик қарашлар орқали ўзлаштириш, дидактик-аксиологик ёндашувлар механизмларининг рефлексивлигини шахснинг индивидуал эҳтиёжларига векторли йўналтириш асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: олий таълим муассасаларида аксиологик ёндашувдан фойдаланиб талабаларнинг педагогик тайёрлиги такомиллаштирилган ва амалиётга татбиқ қилиш механизми яратилган;

олий таълим муассасаларида тарихий, илмий-педагогик қадриятлардан фойдаланишнинг дидактик тизимини лойиҳалаш ва маданий маънавиятини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасаларида илмий-педагогик қадриятлардан фойдаланишнинг дидактик тизимини лойиҳалаш мазмун-моҳияти педагогик, психологик ва методик жиҳатдан асослаш ҳамда “Тарбиявий ишлар методикаси” ўқув фанини ўқитиш асосида талабаларнинг илмий-педагогик қарашларини ўргатишнинг дидактик тизимини лойиҳалаш ва уларни ўқитиш фаолиятига тайёрлаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг дидактик методи, ўқув фанлари, табиат ва жамият ходисаларининг таҳлил қилинишига инновацион-креатив ёндашув) ҳамда

педагогик таълим соҳасидаги мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчи ўқувчиларнинг ишларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган назарий хулосалар, тавсиялар олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини мазмунан бойитишга, фанларни ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга, ўқитувчилик фаолиятига тайёрланаётган бакалавр ҳамда магистрларнинг касбий маҳоратини оширишга, маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришга, талабалар билим даражаларининг ривожланишига имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, илгари сурилган фикрлар ва инновацион ғоялардан олий таълим муассасаларида педагогик туркум фанларини ўқитишда, таълим тарбия мазмунини бойитиш, ўқув режа, ўқув дастурлари, дарслик, ўқув методик қўлланмалар яратиш, назарий ва амалий машғулотларни интерфаол методлар асосида ташкил этишда фойдаланиш ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда таълим сифатини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасалари талабаларида аксиологик ёндашув асосида педагогик тайёрлигини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари:

бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёрлиги уларнинг шахсий ва касбий муҳим сифатларини шакллантириш босқичларини классификациялаш ҳамда ташкилий-функционал имкониятларини дивергент ва конвергент тафаккур шаклларида босқичма-босқич адаптив уйғунлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлардан ПЗ-20170923121 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 30 декабрдаги 02-07-4271/04-сон далолатномаси). Натижада, илмий-педагогик қарашларини ўргатишнинг тизимини такомиллашган;

талабаларнинг педагогик тайёрлик модели педагогик фаолиятнинг тарихий – илмий қадриятлар ҳамда фронтал, индивидуал педагогик топшириқлар интеграциясини барқарор сифат кўрсаткичлари ошиб боришига пропорционаллигини таъминлаш орқали такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Тарбиявий ишлар методикаси” номли дарслик яратилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-сон буйруғи билан берилган 356/7-083-сон далолатномаси). Натижада, педагогика, тарбиявий ишлар методикаси курслари илмий-педагогик қарашларини ўргатишнинг дидактик тизимини ривожлантиришга доир назарий ва амалий материаллар билан бойитилган;

талабаларнинг ҳамкорлик фаолияти тарихий, илмий-педагогик қадриятлар ўқув материалларини мантиқий ва диалектик фикр меъёрларига мос ўзлаштиришга йўналтирилган фаолият усулини векторли мақсадга вариатив

мувофиқлаштириш асосида такомиллаштиришга доир тавсиялар асосида “Тарбиявий ишлар методикаси” номли дарслик яратилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-сон буйруғи билан берилган 356/7-083-сон далолатномаси). Натижада, талабаларнинг илмий-педагогик қарашларини ўргатишнинг дидактик тизимини ривожлантириш механизмлари амалиётда қўллаш самарадорлиги оширилган;

талабаларнинг педагогик тайёрилиги мониторинги тарихий, илмий-педагогик кадриятларни плюралистик қарашлар орқали ўзлаштириш, дидактик-аксиологик ёндашувлар механизмларининг рефлексивлигини шахснинг индивидуал эҳтиёжларига векторли йўналтириш асосида аниқлашга оид тавсиялар асосида “Тарбиявий ишлар методикаси” номли дарслик яратилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 8 августдаги 356-сон буйруғи билан берилган 356/7-083-сон далолатномаси). Натижада, талабалар илмий-педагогик қарашларини ўргатишнинг дидактик тизимини фасилитацион таълим жараёнида ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан, 4 та республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулосалар, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми масалалари ўз аксини топган.

Диссертациянинг **“Аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари, аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг ижтимоий – педагогик зарурияти ҳамда

бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлигини аксиологик ёндашув асосида такомиллаштиришнинг амалиётдаги ҳолати таҳлил қилинган.

Педагогик тажрибалардан маълумки, педагог фаолияти ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, у ўқитувчидан нафақат олий маълумотга, балки етарли касбий тайёргарликка, педагогик ва касбий тайёргарлик йўналишида билим, кўникма ва малакаларга, шунингдек, маълум тажрибага ҳам эга бўлишни талаб этади. Замонавий шароитда олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни касбий ва педагогик тайёрлашнинг асосий мақсади мустақил ижодий тафаккурга эга бўлган кадрлар тайёрлашдир. Фақатгина махсус билимларга эга бўлиш яхши битирувчини тайёрлаш учун етарли эмас, шахснинг интеллектуал компетентликка эга бўлиши, ижодий салоҳиятига эгалик даражасини ҳисобга олиш керак.

Тадқиқот ишида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар таҳлил қилинди. Мамлакатимизнинг қатор педагог олимларидан З.Исмаилова, Н.Маннапова, Н.Муслимов, Д.Рўзиева, М.Қуронов, Н.Эгамбердиева, М.Уразова томонидан бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг педагогик жиҳатлари ўрганилган.

Н.А.Муслимов бўлажак ўқитувчининг касбий фаолиятга тайёргарлигининг тузилмаси ҳақидаги фикрига қўшилади ва мотивацион, билиш-йўналтиришли, операционал-ҳатти-харакатли, ҳис-туйғули-иродали ва баҳолаш компонентларини ажратиб кўрсатади.

Қ.Т.Олимов шахснинг ўқитувчи касбига тайёргарлигини шакллантириш жараёнини таҳлил қилиб, педагогик фаолиятга тайёргарлик мураккаб тузилмавий жараён бўлиб, унинг ядросини бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг бўлажак касбига ижобий муносабати, фаолиятнинг етарлича турғун мотивлари, шахснинг касбий аҳамиятга эга сифатлари, касбий-педагогик билим, малака ва кўникмаларнинг маълум тўплами, уларни амалда қўллашга интилиш ҳосил қилади, деган хулосага келади.


З.К.Исмаилова талабанинг педагогик фаолиятга тайёрлиги тузилмасига кирувчи компонентларни қуйидаги йўналишлар бўйича тақсимлайди: психологик тайёрлик (мотивацион, иродавий, ҳис-туйғули ва бошқа психологик жараёнлар ва шахснинг бўлажак фаолиятига муносабатининг ҳолати); назарий тайёрлик (субъектнинг онгида фаолият, унинг моҳияти, унинг вазифалари, тамойиллари, мазмуни, шакллари ва методлари ҳақида аниқ тасаввурнинг бўлиши); амалий тайёрлик (у ёки бу педагогик фаолиятни самарали бажариш учун зарур бўлган малакалар тўплами).

М.В.Едренкина фикрича, касбий тайёргарлик – бу илмий билимлар, кўникмалар, малакалар ва зарур шахсий-касбий сифатларни ўзлаштириш жараёни ва унинг натижасидир. С.С.Салаватова “касбий тайёргарлик” тушунчаси мазмунига касбий қизиқишлар, қарашлар, тасаввурлар ва уларга мос келувчи хулқ-атвор меъёрларини ҳам шакллантиришни киритишни тақлиф этади.

Диссертацияда касбий тайёргарлик – динамик ҳодиса бўлиб, кўпгина ички ва ташқи омиллар билан детерминация қилиниши, таълим олувчиларнинг муайян иш ёки ишлар мажмуини бажариш учун зарур малакаларни жадал эгаллаш мақсадини назарда тутадиган педагогик жараён сифатида таърифланган.

Шу ўринда касбий тайёргарлик ва педагогик тайёргарлик ўртасидаги шартли фарқ ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Касбий тайёргарлик муайян фаолият соҳасида белгиланган йўриқномага асосан вазифаларни бажариш имконини берувчи махсус билимлар, малакалар ва кўникмалар тизимини шакллантириш жараёни ва натижасидир. Педагогик тайёргарлик эса, тармоқ фанлари ёки маълум йўналишга кўра бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятни самарали амалга оширишига имкон берувчи билимлар, малакалар, кўникмалар ва компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни ҳамда натижасидир.

Бўлажак ўқитувчининг педагогик тайёргарлигини шахс умумий ривожланишининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқиш лозим. Чунки юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, педагогик тайёргарлик ўз ўрнида педагогик фаолиятни олиб бориш учун шакллантирилган ва ривожлантирилган компетентлиликни кўзда тутди. Шахсда шаклланган ва ривожланган компетентлилик унинг шахсий хусусиятларини ҳам ўзида акс эттиради. Демак, педагогик тайёргарлик шахс сифатлари мажмуи бўлиб профессионал-педагогик фаолиятни мустақил равишда юқори савияда ташкил этишга тайёргарликдир. Бундан кўриниб турибдики, педагогик тайёргарлик педагогик фаолиятнинг барча турларини самарали ташкил этиш, уларни шахс камолоти ва ҳар томонлама ривожлантириш мақсадларига йўналтиришдир. Педагогнинг шахсий тайёргарлигининг етарли эмаслиги шахсий имкониятларини етарлича намоён этолмаслигига сабаб бўлади. Бўлажак ўқитувчининг педагогик тайёргарлиги унинг назарий ва амалий тайёргарлиги бирлигини ифодалайди (1-расмга қаранг):



1-расм. Педагогик тайёргарлик тузилмаси.

Тадқиқотда аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг, назарий асосларини, ижтимоий – педагогик заруратини ёритиб бериш учун аксиологик ёндашувнинг мазмуни очиб берилган. Бир қатор тадқиқотчиларнинг илмий изланишларда аксиология фани, аксиологик ёндашув бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

М.Имомназаровнинг фикрига кўра, аксиология фани қадриятшунослик деб таржима қилинади. Инсон ниманики қадрига етса, ўша унинг учун қадриятга айланади. Бир нарсанинг қадрига етиш учун унинг моҳиятини англаб етиш лозим. Инсон аввало ўзлигини англашга уринади. Одам боласи ўзлигини англаб ета борган сари Шахсга айланиб боради. Демак, инсон маънавиятига оид тушунчалар марказида Шахс туради. Шахс — ўзлигини англаб етган, ўз қадрини билган инсондир .

Аксиологик ёндашувлар тадқиқотларда кенг ўрганилган. Масалан, В.А.Сластёнин педагогик жараёни ва унинг субъектлари билан ўзаро таъсирини, аксиологик ёндашувлардан фойдаланишнинг ижобий жиҳатларни ўрганган. Муайян давр ёки тарихий босқичга аксиологик ёндашув асосида баҳо берганида унинг бошқа даврлардан инсоният учун ижтимоий аҳамияти, қадр-қиммати нуқтаи назаридан ажралиб туриши, ўзига хослигига эътибор берилади. Бунда даврнинг ютуқлари, маданият тарихидаги хиссаси, қолдирган мероси, уларнинг кейинги даврлар учун қай даражада қадрли бўлганлиги ҳисобга олинади.

Маълумки, таълим-тарбия воситасида бутун инсониятнинг онги, тафаккури, дунёқараши ҳамда инсонийлик каби хислатлари шакллантирилади. Шу нуқтаи назардан қараганда таълим-тарбия биз учун миллий қадрият ҳисобланади, қадрият воситасида ёш авлодни тарбиялаш ҳамда уларга таълим бериш бугунги кунда педагогларимиз олдида турган энг долзарб масаладир. Мутафаккирларнинг билишга оид қарашларини таҳлил қилишдан кўзланган мақсад шундан иборатки, аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш имкониятлари аниқлаш бевосита мутафаккирларнинг билишга оид қарашлари муҳим аҳамият касб этади. Таълим-тарбия жараёнида аждодларимиз яратган бебаҳо маънавий-педагогик меросдан фойдаланиш ва уларни ёшлар онгига сингдириш бугунги кун педагогидан катта маҳорат талаб этади. Мутафаккирларимиз яратган маънавий мерос ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялашда энг муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотда бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришда аксиологик ёндашувнинг имкониятлари ўрганилди.

Ижтимоий борлиқда юз берган ўзгаришлар бўлаётган воқеа ва ҳодисалар, тушунчаларни тадқиқот объектига айланишига сабаб бўлади. Ижтимоий борлиқдаги ўзгаришлар ва уларни англаш жараёнлари бир-бирига боғлиқ ҳодисалар сифатида янги тушунчаларни тадқиқот объектига айлантиради. Хусусан, “Қадр”, “қадрлаш”, “қадр-қиммат”, “қадршунослик”, “қадрият” тушунчаларининг тадқиқотлар объектига айланганини ана шундай эҳтиёжлар билан изоҳлаш мумкин. Ҳар бир қадриятнинг негизида, моҳияти ва аҳамиятида табиат, жамият ва руҳий олам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари ётади.

Янги кадриятларнинг юзага келиши эса инсоннинг объектив олам, маънавият борасидаги билимлари ворислик асосида давом этаётганининг ифодасидир. Кадриятлар инсон маънавий камолотига таъсир этувчи муҳим омил ҳамдир. Ҳар бир миллат ривожланишдаги тарихий воқеалар, унга ижобий ҳисса қўшган шахсларнинг тажрибалари ҳам миллий кадриятлар жумласига киради.

Антик давр мутафаккирлари “кадрият”, “кадр”, “кадрлаш”, тушунчаларини ижтимоий борлик, инсон фаолиятининг баҳоси, баҳоланиши, бошқалар томонидан маълум бир нормалар асосида кадрланиши тарзида тушунганлар. Тадқиқотчилар фикрига кўра, ижтимоий фазилатларга боғланган кадрият асосан инсоният ва жамият манфаатларига қаратилган эзгу ниятлар асосида келиб чиқади.

Маълумки, кадриятлар ижтимоий хусусиятларга эга бўлиб, кишиларнинг ҳаётий, касбий фаолияти жараёнида кишиларнинг турли соҳаларидаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарса ва ҳодисалар мажмуи бевосита боғлиқ равишда пайдо бўлади ва ривожланади.

Ўрта асрлардаги Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирларининг илмий асарларида илмий билишнинг турли қирраларига, унинг тамойилларига, мезонларига, илмий билишнинг инсон ақлий камолоти билан алоқасига катта қизиқиш билдирилган. Ўрта асрлар давридаги Яқин ва Ўрта Шарқ қомусчи олимларининг гносеологик, умумпедагогик ва дидактик ғоялари ўртасидаги боғлиқлик уларнинг асарларида ёритилган алоҳида илмий фанларга оид методологик муаммоларни таҳлил қилишда жуда яққол кўзга ташланади.

Миллий кадриятларнинг, миллатнинг ижтимоий идеаллари орзу-интилишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг негизида кишилар ва жамиятнинг келажак ҳақидаги ижтимоий соғлом фикрлари, тасаввурлари, орзу-умидлари, ҳаётий андозалари ётади. Миллий кадриятлар ҳар бир миллатнинг фазилатларини ва тарихий тараққиётини кўрсатиб берувчи мезон ҳисобланади.

Тадқиқот давомида илмий адабиётлар, назарий ва амалий таҳлиллар асосида олий таълим муассасасида бўлажак ўқитувчининг педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришга оид бир қанча зиддиятлар мавжудлиги аниқланди: олий таълим муассасасида бўлажак ўқитувчини тайёрлаш тизимининг таълим амалиёти вариативлигига мос бўлишига эҳтиёж; ўқитувчисини тайёрлашда педагогик тайёргарлигига қўйилган талабларнинг ўқитувчининг инновацион фаолиятга тайёргарлигига қўйилган талаблар ўртасида номувофиқликлар; олий таълим муассасасида ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича талаблар ва амалда фаолият кўрсатаётган таълим муассасалари фаолиятига қўйилаётган талаблар ўртасида номувофиқликлар; педагогика олий таълим муассасаси битирувчисига қўйилган талаблар билан умумий ўрта таълим мактаблари таълим жараёнининг инновацион муҳитига қўйилган талаблар ўртасида номувофиқликлар; бўлажак ўқитувчини белгиланган педагогик фаолиятга тайёрлаш бўйича талаблар билан педагог касби бўйича амалдаги ўзгарувчан фаолиятга қўйилган тайёргарлигига ижтимоий-педагогик талаблар ўртасида номувофиқликлар.

Таълим жараёнига қўйилган ижтимоий талаблар доимий равишда ўзгариб боради. Ижтимоий ўзгаришлар муҳитига мос тайёргарлик, айниқса ижтимоий ўзгаришларнинг салбий оқибатларига етарлича тайёргарликни таъминлаш

таълимда аксиологик ёндашувга эҳтиёжни доимий сақлаб қолади. Ўрта асрлар даври Яқин ва Ўрта Шарқ қомусчи олимларининг умумпедагогик қарашларини ўрганиш шуни кўрсатадики, улар тарбия муаммосини англаш ва талқин қилишга жуда кўп янгиликлар киритишган. Бу янгилик уларнинг бутун ижодида яққол кўзга ташланиб турган.

Диссертациянинг **“Аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг дидактик тизими”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг педагогик шарт-шароитлари, аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш механизми, бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлигини аксиологик ёндашув асосида такомиллаштириш модели ёритиб берилган.

Маълумки, бўлажак ўқитувчининг келгуси касбий фаолияти учун назарий тайёргарлик амалий тайёргарлик билан бир қаторда педагогик фаолиятга тайёргарликнинг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Назарий тайёргарлик ўз ичига психологик-педагогик билимларни эгаллашни, ақлий кўникмаларни ривожлантириш, дидактик билимларни назарий жиҳатдан ўзлаштиришни киритади. Хусусан аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш кенг хажмли назарий материалларни билиш, таҳлил қилиш, унга нисбатан танқидий фикрлаш каби назарий тайёргарликни ўз ичига олади.

Шунингдек, назарий билимларни амалда қўллай олиш бўйича амалий тайёргарлик муҳим рол ўйнайди. Бўлажак ўқитувчиларнинг амалий фаолиятига кириб боришларининг ўзига хослиги, кўп қирралилиги, мураккаблиги бутун ўқув жараёнига мос тайёргарликни талаб этади. Бу тайёргарликнинг бир неча шакллари ажратиш мумкин: турли фанларни ўрганиш давомида эгалланадиган билимларни интеграциялашга, талабаларнинг касбий тайёргарлигида педагогик жараён методикаси, технологиясининг ўрнини аниқлашга имкон берувчи билимлар тизими.

Фаробийнинг фикрига кўра, фанлар таснифи “фанларни бир-бири билан таққослашда, улардан қайсиси муносиброқ, фойдалироқ, мукамалроқ, ишончлироқ ва кучлироқ эканини, қайси бири кучсизроқ ва аҳамияти камроқ эканини”, шунингдек, “нимадан бошлаш керак, айнан нимани ўрганиш зарур, ўрганишга нима ярайди, нима ярамайди ва ўзи қанақа савияга эришади”, шуларни билишда инсонга ёрдам беради.

Хоразмий ўз ижоди ва фаолиятида илмий таълимнинг унеча қўлланилган асосий ғоялари, тамойиллари ва усулларини умумлаштирди. У илм-фан ўрганаётганларнинг мустақил бўлишларига ва ҳозирги ибора билан айтганда, уларнинг ижодий фаоллигига катта эътибор қаратган.

Ибн Синонинг асарларида ҳам дидактика тамойилларига, хусусан, ўқитишнинг кўргазмалилигига қизиқиш кузатилади. Умуман олганда, қомусчилар фикрича атроф муҳитдаги мавжуд жисмларни сезги аъзолари орқали идрок қилиш, унинг ақл билан текширилганлиги ва аввалдан тўпланган билимлар билан тасдиқланганлиги бутун борлиқ ҳақида чин билимларга эга бўлишни таъминлайди.

Берунийнинг таълим онгли равишда бўлиши ҳақидаги фикрлари бугунги куннинг ҳам асосий талабидир. Сизги идроки муаммоси борлиқнинг акс этиши сифатида, билиш манбалари тўғрисидаги масала асосий гносеологик масала сифатида ҳар доим Берунийнинг назарий-билиш фаолияти эътиборининг марказида бўлган.

Мутафаккирлар фикрича билишда ва таълим жараёнини амалга оширишда методларнинг тўғри танланиши жараённинг самарадорлигига хизмат қилади. Деярли ҳамма қомусчи олимлар ўқитишда фойдаланган умумий услубларнинг бир неча гуруҳини ажратиш мумкин. Булар кўрғазмали услуб, тажриба услуби, савол-жавоб услуби, билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш услублари, билимларни текшириш услублари. Бу ерда уларнинг барчаси ўқувчининг билиш фаолиятини кучайтириш, унда мантикий тафаккурни ривожлантириш мақсадларига қаратилганлиги эътиборни ўзига тортади.

Мутафаккирларнинг гносеологик қарашлари, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, уларнинг инсон ўзи атрофидаги мавжуд оламни билишидаги аниқ йўллар ҳақидаги тасаввурларидан келиб чиқади. Ўша даврнинг таниқли алломалари билишнинг асосий қонуниятларини нафақат ўқитиш учун, балки уларга ўша ўқитишнинг бир тури бўлиб кўринган маънавий тарбия учун ҳам амал қилинадиган негиз сифатида қабул қилганлар.

Олимларни аввало фан ютуқларини амалиётда қўллаш, ҳақиқий турмушда келтириши мумкин бўлган фойда қизиқтирган ва бу уларнинг фан мазмунини очиб бериш услубларида яққол акс этган. Яъни уларни ўзига жалб этган нарса, биринчидан, фаннинг инсон амалий фаолиятида қўлланиш миқёсининг кенглигидир. Иккинчидан, инсоннинг билиши ва тафаккурини ривожлантириш, учинчидан, натижаларга эга бўлиш.

Диссертацияда бўлажак ўқитувчиларнинг аксиологик ёндашув асосида педагогик тайёрлаш жараёни самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи шарт-шароитлар; ўқув материалларини аксиологик ёндашув асосида структуралаштириш; бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини методик асосларини такомиллаштириш; бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришда фанлараро ва соҳалараро алоқадорликларни таъминлаш; бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш жараёнини ташкил этиш мазмуни, шакллари, метод ва воситаларининг уйғунликда ишлашини таъминлаш; буюртмачи талабига асосан педагогик амалиёт ва ўқув жараёни узвийлигини таъминлаш асосида педагогик тайёргарликни такомиллаштириш имкониятлари аниқланган.

Тадқиқот иши давомида маълум бўлдики, бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини аксиологик ёндашув асосида такомиллаштириш механизми бевосита жараёни ташкил этиш шакллари билан бевосита боғлиқ. Бу бўлажак ўқитувчилар педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш заруриятини англаш ва аксиологик ёндашув асосида ушбу мақсадга эришиш механизмларининг такомиллаштириш заруратини вужудга келтирмоқда.


Ўқитувчининг онгида мустаҳкамланган педагогик кадриятлар унинг шахслараро мулоқотида, ижодий фаолиятида, бола шахсининг ривожланишида, касбий ҳамкорликда, маънавий кадриятлар алмашинувидаги касбий йўналишлари тизимини ҳосил қилади. Таълим тарбия ҳар доим ва барча

замонларда илғор мутафаккирларнинг диққат-эътиборини тортиб келган. Тарбияни шахснинг руҳан камол топишида асосий омил ҳисоблаганлар. Аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш механизмини амалга ошириш натижаси сифатида уларнинг тарбияланганлик даражаси ҳам кўзда тутилади.

Таҳлиллар бўлажак ўқитувчининг педагогик тайёргарлигини аксиологик ёндашув асосида такомиллаштириш жараёнида қуйидаги шартлар бажарилиши лозимлигини кўрсатди:

педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришнинг моҳияти, мазмуни, педагогик тайёргарликнинг индивидуал услубларини билиш, хусусан, уларнинг ҳаракатларининг босқичма-босқич амалга оширилишига эришиш; изланувчан ва ижодий даражада олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини самарали ташкил этишга йўналтирилган имкониятлардан фойдаланиш; таълим ва амалиёт жараёнида ижтимоий зарур тушунчаларни ўзлаштириш; олий таълим муассасаларида аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш эгаллашга қаратилган мақсадларни аниқлаштириш; педагогик таълим мазмунига оид педагогик тайёргарликнинг тамойиллари ҳақида маълумот; бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришга йўналтирилган ўқитиш технологияси; бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш жараёнини ташкил этишнинг шаклини ишлаб чиқиш; бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув жараёнида педагогик тайёргарлигини такомиллаштиришининг натижаларини назорат қилиш воситаларини аниқлаш.

Бугунги кунда мутафаккирлар томонидан яратилган тарбиявий қадриятлардан олий педагогик таълим жараёнида ўрганишга заруратдан келиб чиққан ҳолда тадқиқотда аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш модели аниқланган (2-расм).



2-расм. Аксиологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш модели

Моделда ижтимоий эҳтиёж, ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларни жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга онгли муносабат билдира олиш, мустақил ва танқидий фикрлай олишларига имкон яратишнинг педагогик имкониятлари инобатга олинган.

Диссертацияда шахс онгини шакллантирувчи методлар; бунга суҳбат, маъруза, тушунтириш, панд-насихат методлари киради. Ушбу методлардан кўзланган мақсад – шахсга хатти-ҳаракатлар, воқеа-ҳодисаларга нисбатан у ёки бу талабларнинг маънавий, ахлоқий, ижтимоий-иқтисодий, жисмоний, эстетик жиҳатларини очиб бериш, ёшларда хулқ-атвор ва инсоний муносабатларга тўғри баҳо беришни шакллантиришда кўмаклашишдан иборат; одатлантириш; ушбу метод орқали талаба-ёшлар меҳнатсеварлик, тежамкорлик ҳамда ижодкорлик кўникмаларини эгаллашга одатлантирадилар; жазолаш методи; масалан исрофгарчиликка йўл қўйилганда, одоб-ахлоқида салбий томонга нисбатан ўзгариш бўлганда мазкур методдан фойдаланган ҳолда тарбияланган; рағбатлантириш методи; ўқув-тарбия жараёнида муайян муваффақиятларга эришиш имкониятлари аниқланган.

